

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА  
ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**368** Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2251-1*

*(2012 йил 10 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

2003 йил 8 январдаги 8-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2011 йил 1 июлдаги 3-мб-сонли қарори (рўйхат рақами 2251, 2011 йил 2 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 31-сон, 334-модда) билан тасдиқланган Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга қиради.

**Раис**

**Б. ТЎРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 27 июль,  
2-мб-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитасининг 2012 йил  
27 июлдаги 2-мб-сон қарорига  
ИЛОВА

**Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг  
марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. 2-банднинг иккинчи хатбошиси «сайтига» деган сўздан кейин «кеча-кундуз» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 4-банднинг учинчи хатбошиси «сайти орқали» деган сўзлардан кейин «кеча-кундуз» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 9-банднинг иккинчи хатбошиси «талабномани» деган сўздан кейин «кеча-кундуз» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 10, 11 ва 16-бандлардаги «8» рақами «4» рақами билан алмаштирилсин.

5. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган.

*Ўзбекистон алоқа ва  
ахборотлаштириш  
агентлиги Бош директори*

**Х. МИРЗАХИДОВ**

*2012 йил 27 июль*